

ФИҚХ

[Ўзбекча – Uzbek – الْأَوْزَبْكِي]

Шерикликлар китоби

Таржимон: Ислом нури веб саифаси

www.Islamnuri.com

2013 - 1434

MyIslamicBooks.tk

1. Шерикликка тааллуқли ҳукмлар ва шериклик турлари ҳақидағи боб
2. Инан шериклигига доир ақомлар ҳақидағи боб
3. Музораба шериклигига доир ақомлар ҳақидағи боб
4. Вужух, абдон ва муфоваза шерикликлари ҳақидағи боб

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيمِ

Шерикликка тааллуқли ҳукмлар ва шериклик турлари хақидағи боб

Шериклик, яғни ширкатлар мавзусига доир ақомларни яхши ўрганиш лозим. Чунки, ҳаётда бу жуда күп ишлатилади, тижорат ва бошқа ишларда шериклик қилиш одамлар ўртасида кенг тарқалған ишлардан бўлиб, у билан молларни ўстириб-кўпайтириш, улардан фойда олиш ва ўзаро билим-тажриба алмашиш орқали манфаатлар ҳосил бўлишига ҳамкорлик қилиш вужудга келади.

Тижорат ва бошқа ишларда шериклик қилишнинг жоизлигига Куръон ва Суннатдан далиллар келган.

Аллоҳ таоло айтади: «Дарвоқеъ, кўп шериклар бир-бирларига зулм қилурлар» (Сод: 24). Яғни, шериклардан мурод – тижорат ишларидағи шериклардир.

Ояти карима шерикликнинг жоизлигига ва шериклар бир-бирига зулм қилишлари мумкин эмаслигига далил бўлади.

Шерикликнинг жоизлигига Суннатдан далил Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуидаги ҳадисларири: «Аллоҳ таоло деди: «Модомики, икки шериклинг бири иккинчисига хиёнат қилмас экан, Мен уларнинг учинчисиман (яъни, уларни асраб, ишларини юргизиб, тижоратларига барака ато этиб тураман), агар бирори хиёнат қилса, Мен уларга шерикликдан чиқаман» (Абу Довуд (3383) Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган).

Ҳадисда шерикликнинг машруълигига далил ва хиёнат аралашмаган шерикликка ундаш бор. Чунки, бунда ўзаро ҳамкорлик вужудга келади. «Модомики, банда биродарининг ёрдамида экан, Аллоҳ таоло унинг ёрдамида бўлади» (Муслим (2699) Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган).

Шериклик учун молини ҳалолдан топган кишини танлаш, молига ҳаром ва шубҳа аралашган кишидан узоқлашиш лозим бўлади.

Мусулмон кишининг кофир билан шериклиги шу шарт билан жоизки, кофир молнинг тасарруфини ёлғиз ўзи бошқармасин, балки мусулмон кишининг назорати остида бўлсин. Чунки, ўзига қолса, у рибо ва бошқа ҳаром муомалотларга қўл уриб қўйиши мумкин.

Шериклик икки қисмга бўлинади: мулклардаги шериклик

ва ақд-битимлардаги шериклик.

Мулклардаги шериклик – ҳақдор бўлишдаги шерикликдир, кўчмас мулкка эга бўлишда, корхонага эга бўлишда, автоуловларга эга бўлишда шериклик каби.

Ақд-битимлардаги шериклик – тасаррӯфдаги шерикликдир, олди-сотдида, ижарада ва бошқалардаги шериклик каби. Ушбу шериклик мол ва иш билан бўлиши мумкин, молсиз иш-амалнинг ўзи билан бўлиши мумкин. Бу беш турлидир:

Шериклик мол ва иш-амалда бўлиши. Бу турли шерикликка инан ширкати дейилади.

Бир тарафдан мол, иккинчи тарафдан иш-амал билан бўлган шериклик. Буни музораба дейилади.

Молсиз, фақат зиммага олиш билан бўлган шериклик. Буни вужух ширкати дейилади.

Баданлари билан касб қиласидиган нарсалардаги шериклик. Буни абдон (баданлар) ширкати дейилади.

Юқорида ўтган барча нарсалардаги шериклик, яъни, бири иккинчисига молиявий ва баданий тасаррӯфларнинг ҳаммасини топшириб қўйиши. Бу шериклик инан, музораба, вужух ва бадан шерикликларининг ҳаммасини ўз ичига олади ва муфоваза ширкати деб аталади.

Юқорида шерикликлар ҳақида умумий маълумотлар берилди. Энди уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида сўз

юритилади.

Инан шериклигига доир аҳкомлар ҳақидаги боб

Инан (عنان) – тизгинлардаги шериклик деб номланишига сабаб – бу шерикликда ҳар иккала шерик пулда ҳам, тасарруфда ҳам баробар шерик бўлади ва гўё икки отлик отларининг тизгинини баробар тутиб, ёнма-ён кетаётгани кабидир. Яъни, иккала шерикнинг ҳар бири молда ҳам, ишда ҳам баб-баробар бўлади.

Инан шериклигининг ҳақиқати шуки, икки ва ундан ортиқ шахс ўз моллари билан иштирок этиб, унда қўллари билан ҳам ишлашади ёки улардан бири ишлайди ва унга фойдадан кўпроқ қисми тегади.

Мазкур кўринишдаги инан шериклиги Ибнул Мунзир раҳимаҳуллоҳ сўзларига кўра, ижмоъ билан жоиздир (Ал-ижмаъ: 137-б). Унинг баъзи шартлари хусусида бироз ихтилоф бор, холос.

Ҳар иккала шерикнинг шериклик молдаги тасарруфи ўзининг улушига эгалик ва шеригининг улушига вакиллик нуқтаи назари билан бўлади. Чунки, шериклик атамаси шерикларнинг бир-биридан изн олишидан беҳожат қиласи.

Шерикликка қўйиладиган дастмоя зарб қилинган (яъни, босиб чиқарилган) пул бўлиши жоиз эканига иттифоқ қилганлар. Чунки, одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

ва саллам замоналаридан то шу кунгача ана шундай пулларда шерик бўлиб келишади.

Инан шериклигида дастмоянинг мато, яъни, пулдан бошқа нарса билан бўлиши ҳақида ихтилоф қилганлар.

Баъзи уламолар сўзларига кўра, бу жоиз эмас, чунки, икки молдан бирининг қиймати сотишдан олдин кўтарилиб кетиши, иккинчисининг нархи пасайиб кетиши мумкин.

Иккинчи сўзга кўра, бу жоиздир ва бу сўз сахиҳдир. Чунки, шерикликдан кўзда тутиловчи нарса шерикларнинг ҳар икки молда тасарруф қилишлари ва иккала молнинг фойдаси улар ўртасида бўлишидир. Бу эса худди пулда бўлгани каби матоларда ҳам ҳосил бўлади.

Инан шериклиги сахиҳ-яроқли бўлиши учун иккала шерикнинг ҳар бири учун фойдадан маълум ва очиқ эълон қилинган бир қисмини, яъни, учдан, бири, тўртдан бири каби қисмини шарт қилиниши керак бўлади. Чунки, фойда улар ўртасида муштаракдир, улардан ҳар бирининг улуши фақат шарт қилиш ва белгилаб қўйиш билангина ажralади.

Агар ҳар бирининг фойдадан улуши номаълум бўлса, ёки улардан бирига молнинг муайян бир қисмининг фойдаси ёки муайян вақтдаги фойдаси ёки муайян бир сафардаги фойдаси шарт қилинса, бу кўринишларнинг барчасида дуруст бўлмайди. Чунки, у ўша муайян нарсада фойда қилиши ҳам, қилолмаслиги ҳам мумкин, баъзида муайян

дирхамлардан бошқасини ҳосил қилолмаслиги мумкин. Бу эса низога ва келишмовчиликка олиб келади. Бу шариати исломияда қайтарилган ишdir. Чунки, шариатимиз алдов ва зарар келтиришнинг олдини олиш учун келган.

Музораба шериклигига доир аҳкомлар ҳақидаги боб

Музораба шериклиги бундай номланиши сабаби – у «тижорат мақсадида сафар қилиш» маъносидаги «зорбун фил-арз» иборасидан олинган. Аллоҳ таоло айтади: «У зот ... бошқалар Аллоҳнинг фазл-марҳаматидан (ризқ-рӯз) истаб Ер юзида (яъни унинг турли томонларига) сафар қилишларини ... билди (Муззаммил: 20).

Музорабанинг шаръий маъноси – маълум миқдордаги молни фойданинг бир бўлаги муқобилига тижоратга ишлатадиган одамга беришdir.

Муомаланинг бу тури ижмоъ билан жоиздир, у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам асрларида ҳам бўлган ва у зот бунга йўл қўйиб берганлар, бу иш Умар, Усмон, Алий, Ибн Масъуд ва бошқа сахобалар розияллоҳу анҳумдан ривоят қилинган, сахобалардан бунга мухолиф бўлганлари борлиги маълум эмас.

Молни музорабага ишлатиш жоизлиги ҳикмат тақозоси ҳамdir. Чунки, одамларнинг бунга эҳтиёжлари бор, зеро

динор ва дирҳамлар факат айлантириш ва тижорат билан ўсиб-кўпаяди.

Аллома Ибнул Қайим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Музораба қилувчи киши ҳам омонатдор, ҳам вакил, ҳам ажиир (мардикор), ҳам шерикдир. Яъни, молни қабул қилиб олган пайт омонатни ўз бўйнига олган, унда тасарруф қилган пайт вакил, унинг учун елиб-югуриб хизмат қилишида ажиир (мардикор), ундан келган фойдада шерикдир» Зодул-маъод: 1/161).

Музораба саҳих бўлиши учун уни бажарувчининг улуши миқдори аниқ бўлиши шартдир, чунки у бунга шарт билан ҳақли бўлади.

Ибнул Мунзир раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аҳли илмнинг ижмоъларига кўра, музорабага ишловчи киши мол эгасига фойданинг учдан бири ё ярми ё икковлари келишиб оладиган маълум бир бўлагини шарт қилишга ҳақлидир» (Ил-ижмаъ: 140-б).

Агар фойданинг ҳаммасини оламан деса ёки шунча миқдордаги пулни оламан деса ёки ноаниқ бир бўлагини айтса, фосид бўлади.

Ишловчининг фойдадаги улуши миқдорини тайин қилиш ҳар иккаласининг келишувига кўра бўлади. Агар пул-молнинг эгаси ишловчига: «Тижоратга ишлат, фойдаси ўртамиизда», деса, ҳар бирига фойданинг teng ярми тегади.

Чунки, фойдаси ўртамизда, деган ибора бировига ортиқ ё кам бўлишини англатмайди, балки ҳар иккиси теппа-тенг бўлишиб олишини тақозо қиласди. Бу гўё: «Мана бу ҳовли иккаловимизнинг ўртамизда» деса, ҳовли улар ўртасида тенг иккига бўлинишини англатгани кабидир.

Агар мол эгаси: «Шу билан тижорат қил, фойданинг учдан иккиси – ёки учдан бири – менга», деса, ёки: «Шу билан тижорат қил, фойданинг учдан иккиси – ёки учдан бири – сенга», деса, бу битим дуруст бўлади. Чунки, иккаласидан бирининг улуши аниқ бўлгач, у уни олади, қолгани иккинчисига бўлади. Зеро, фойдага ҳар иккиси ҳақли, иккаловидан бирининг улуши аниқ ўлчовли бўлганидан кейин лафздан тушунилган маънога қўра, қолгани иккинчисига бўлади.

Агар шарт қилинган бўлак кимга тегиши ҳақида ихтилоф қилиб қолсалар, у хоҳ оз бўлсин, хоҳ кўп бўлсин, ишловчига бўлади. Чунки, у қилган хизмати билан унга ҳақли бўлган. Баъзан унга иш енгил бўлгани учун озроқ бўлакни шарт қилинган бўлади, баъзан эса иш оғир бўлганидан унга кўпроқ бўлакни шарт қилинган бўлади, баъзан ишловчиларнинг маҳорати ё маҳоратсизлигига қараб улуш микдори фарқли бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, ишловчининг ҳиссаси шарт билан белгиланади, мол эгасининг ҳиссаси эмас. Чунки, мол эгаси ўз улушкига шарт билан эмас, моли билан ҳақли бўлади.

Агар музораба келишуви бузилса, фойдаси молниинг эгасига бўлади, чунки бу унинг молининг фойдаси, ишловчига эса ўзига ўхшаган хизматчиликнинг иш ҳақи берилади, чунки у шарт билан ҳақдор бўлган эди, музораба бузилиши билан шарт ҳам бузилди.

Музорабани муайян вактга белгилаб қўйиш дурустдир, яъни, мол эгаси: «Шу пулни сенга бир йил муддатга музорабага бердим», деса дуруст бўлади.

Бирон шартга боғлиқ қилинган музораба ҳам дурустдир, яъни, мол эгаси: «Фалон ой келгач, шу пулни музорабага ишлат» ёки: «Агар Зайддан молимни олсам, у сенга музорабага», деса, дуруст бўлади. Чунки, музораба тасарруф қилишга изнdir, уни келажакдаги бирон шартга боғлиқ қилиш жоиз.

Бирор билан музорабага ишловчи киши яна бошқа бирорнинг пулинни музорабага олиши – агар бу аввалги шерикка зарар етказадиган бўлса – жоиз эмас, фақат пул эгасининг изни билан бўлса жоиз. Яъни, масалан, иккинчи пул қўпроқ бўлиб, ишловчининг вақтини қўп олиб қўйиши туфайли биринчи пулнинг тижоратига вақти унчалик етишмай қоладиган бўлса, ёки биринчи шерикнинг пули қўпроқ бўлиб, унга қўп вақт талаб қилгани ҳолда иккинчи шерикнинг пули билан машғул бўлиши оқибатида унинг баъзи ишлари қолиб кетадиган бўлса. Лекин, биринчи шерик ўзи изн берса ёки унга зарар етмайдиган бўлса,

ишловчи киши бошқаси билан ҳам музорабага ишлаши жоиз.

Ишловчи киши музораба пулидан сафар учун ё бошқа мақсадларда ишлатмайди, фақат мол эгаси билан шуни шартлашиб олган бўлса, мумкин. Чунки, у молда унинг фойдасидан бир бўлаги муқобилига ишлайди, агар шартлашиб олмаган бўлса, ундан ортиғига ҳақли бўлмайди. Аммо, қачонки бу нарса одат тусига кирган бўлса, унга амал қилиниши мумкин.

Музорабанинг фойдаси ўртадаги ақд-битим ниҳоясига етмай туриб тақсимланмайди, аммо иккала тарафнинг розилиги билан тақсимланиши мумкин. Чунки, фойда дастмоянинг сақланиб қолиши воситаси бўлиб, баъзи муомалаларда зарар бўлиб қолса, уни ўша фойда билан қопланади. Энди агар музораба ақди ҳали битмай туриб, фойдани бўлинса, эҳтимолий зиённи қоплашга жамғарма қолмайди. Фойда дастмояни сақлаш бўлиб, ишловчи дастмоя тўла бўлганидан кейингина фойдага ҳақли бўлади.

Музорабага ишловчи омонатни ўз зиммасига олувчиидир, у ўзига топширилган бу омонатда Аллоҳдан кўрқиши лозим. Унинг талафот ёки зиён ҳақидаги даъвосидаги сўзи қабул қилинади, бир нарсани музораба учун эмас, ўзим учун сотиб олдим, деган сўзи ёки буни ўзим учун эмас, музораба учун сотиб олдим, деган сўзи инобатга олинади. Чунки, у бу ишда омонатдор деб эътибор қилинади, валлоҳу аъلام.

Вужух, абдон ва муфоваза шерикликлари хақидағи боб

Бириңчи: Вужух шериклиги:

Бунда икки ё ундан ортиқ киши ўз зиммалари билан (яъни, обрўлари ва ишончга сазоворликлари билан насияга) сотиб олган нарсаларида шерик бўладилар ва топган фойдалари ўрталаридаги келишувларига қараб тақсимланади. Вужух (яъни, обрў-эътибор) ширкати деб номланишига сабаб – бу шерикликда дастмоя бўлмайди, факат уни обрў ва савдогарларнинг ишончига эга бўлиш билан қилинади, шу билан сотиб оладилар ва сотадилар, ҳосил бўлган фойдани ўрталаридаги шартга кўра тақсимлайдилар. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмонлар ўз шартлари устиладир», деганлар (Абу Довуд (3594) Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан, Термизий (1352) Амр ибн Авф розияллоҳу анхудан ривоят қилганлар).

Бу турдаги шериклик инан шериклигига ўхшайди ва унинг ҳукмини олади.

Иккала шерикнинг ҳар бири ўз шеригидан вакил ва пулига кафил бўлади. Чунки, бу тур ваколат ва кафолатга бино бўлган шерикликдан саналади.

Иккаласидан ҳар бирининг ушбу шерикликдан эга бўладиган нарсаси миқдори ўртадаги шартга кўра, тенг

ярми ёки кўпроғи ёки озроғи бўлиши мумкин.

Улардан ҳар бири зиённи ҳам ўзининг шериклиги микдорига қараб кўтаради. Яъни, масалан, тенг шерикликка шартлашган бўлсалар, зиённи ҳам тенг кўтарадилар ва хоказо.

Шериклардан ҳар бири шартга кўра, фойданинг ярмига, тўртдан бирига, учдан бирига ҳақли бўлади. Чунки, улардан бири савдогарлар наздида ишончлироқ ва рағбатга сазоворроқ бўлиши, шунингдек, тижорат йўлларини ҳам унисига қараганда яхшироқ билиши мумкин, ҳар бирининг бажарадиган иши бошқасиникидан фарқли бўлиши мумкин. Шунинг муқобилида ўзининг улуши кўпроқ бўлишини истashi ва буни ўртадаги шартга киритиши мумкин.

Вужух ширкатидаги шерикларнинг ҳар бири учун инан ширкатидаги шериклар учун бўлган ҳақ-хуқуқлар бордир.

[**Иккинчи: Абдон \(баданлар\) шериклиги:**](#)

Баданлардаги шериклик – икки ё ундан ортиқ киши жисмоний меҳнатлари билан касб қилишда шерик бўлишлариdir. Бунда шериклар тирикчилик касб қилишда ўз баданларини ишлатадилар ва топган фойдаларида шерик бўладилар.

Бу турдаги шерикликнинг жоизлигига далил – Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган қўйидаги ҳадисдир:

«Мен, Аммор ва Саъд Бадр куни эришадиган нарсада (яъни, ўлжаларда) шерик бўлдик, Саъд иккта асир олиб келди, Аммор билан мен ҳеч нарса келтирмадик» (Абу Довуд (3388), Насойй (3947), Ибн Можа (2288) ривоятлари).

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ айтади: «Уларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шерик қилиб қўйдилар» (Ал-муғний: 5/4).

Агар шунга иттифоқ қилган бўлсалар, шериклардан бири бирон ишни қабул қилса, қолган шериклар ҳам уни қилишлари лозим бўлади ва ҳар бир шерикдан бошқа шериклари қабул қилган ишни талаб қилинади, чунки шерикликнинг тақозоси шудир.

Шерикларнинг ҳунарлари ҳар хил бўлса ҳам баданлар шериклиги дуруст бўлади. Масалан, тикувчи темирчи билан шерик бўлиши мумкин ва ҳоказо. Шериклардан ҳар бири ўзи ёки шериги қабул қилган ишнинг ҳаққини талаб қилишга ҳақли бўлади. Улардан бирининг хизматидан фойдаланган киши иш ҳақини улардан қайси бирига берса ҳам дуруст бўлаверади. Чунки, улар бир-бирларидан вакил саналадилар ва ўртада топган хизматлари ва фойдаларида шерик бўладилар.

Баданлар шериклиги мубоҳ нарсаларга эгадор бўлишда ҳам сахих бўлади, ўтинчилик қилиш, тоғлардан йиғиладиган мева-ҳосилларни йиғиш, конларни қазиб чиқариш каби.

Агар шериклардан бирори касал бўлиб қолса, бошқаси ишлаб топган даромад ўртада бўлади. Чунки, Саъд, Аммор ва Ибн Масъуд розияллоҳу анҳум шерик бўлишиб, Саъд иккита асир ушлаб келтириб, қолган иккаласи ҳеч нарса келтиришмаганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни бунда шерик қилганлар.

Агар соғ шерик касал шерикдан ўз ўрнига бирон кишини ишга қўйишини талаб қилса, шундай қилиши лозим бўлади. Чунки, улар иккаласи ишлашга келишганлар. Агар бирорида узр пайдо бўлса, битимнинг ҳаққини ўташ учун ўз ўрнига ишлайдиган бирон кишини қўйиши лозим бўлади. Агар ишлаёлмай қолган шерик ўз ўрнига одам қўйишга кўнмаса, шериги шериклик битимини бекор қилишга ҳақли бўлади.

Агар от-улов ва автомашиналар эгалари киракашлик қилишга шериклик қилсалар, топган даромадлари ўртада бўлишга келишсалар, бу дуруст бўлади. Чунки, бу ҳам тирикчиликнинг бир навидир. Шунингдек, бирон ҳайвон ёки машинани уни ишлатадиган одамга бериш ва даромадни ўртада бўлиш дуруст бўлади. Агар уч киши шерик бўлса, биридан ҳайвон, иккинчисидан асбоб-анжом, учинчисидан меҳнат бўлса, топганлари ўртада бўлишга келишсалар, дуруст бўлади.

Даллолларнинг шериклиги ҳам агар улар молларни сотиш, намойиш қилиш ва харидор чақиришни амалга оширадиган

бўлсалар ва топганлари ўртада бўлишига келишсалар, дуруст бўлади.

Учинчи: Муфоваза шериклиги:

Муфоваза шериклиги – шериклардан ҳар бири иккинчисига ҳар хил шерикликдаги молиявий ва баданий тасарруфларнинг ҳаммасини топшириб қўяди, у инан, музораба, вужух, абдон ширкатларининг ўртасини жамлаш бўлиб, фойдада ҳам, зиёнда ҳам шерк бўладилар.

Шерикликнинг бу тури сахиҳдир. Чунки, бу якка ҳолда дуруст бўлган шерикликлар ўртасини жамлашдир, демак улар жамланган ҳолда ҳам дуруст бўлади.

Бу шерикликда фойда шартлашувга кўра тақсимланади, зиённи ҳам улардан ҳар бирининг ширкатда эга бўлган ҳиссаси миқдорига қараб кўтарадилар.

Ҳоказо, шариати исломия мубоҳ йўллар билан тирикчилик қилиш доирасини кенгайтириб қўйди ва инсонга хоҳ ёлғиз, хоҳ шериклар билан ишлаб пул топишига рухсат бериб қўйди, одамларнинг ўзаро шартлашувлари агар ҳаром ва тажовузкорона шартлар бўлмаса, уларга шу шартларга кўра муомала қилди. Бу эса ушбу шариатнинг ҳамма замон ва маконлар учун яроқли эканини кўрсатади.

Аллоҳ таолодан шариати исломияни маҳкам ушлаш ва унда оғишмай юришга муваффақ этишини сўраймиз. У эшитувчи ва ижобат қилувчи Зотдир.

Биринчи жузъ тугади. Иккинчи жузъ, иншооллох, дөхқончилик ва сүғоришдаги шерикликларга доир ҳукмлар хақидаги боб билан бошланади.